

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОЛТИЕВ УСМОН БЕБИТОВИЧ**

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТУРЛИ  
ХИЛЛАРДАГИ АНЕСТЕЗИЯДА ОРГАНИЗМНИНГ ИММУНОЛОГИК  
РЕАКТИВЛИГИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Олтиев Усмон Бебитович**

Диабетик тоvon синдроми бўлган беморларда турли хиллардаги анестезияда организмнинг иммунологик реактивлиги ..... 3

**Олтиев Усмон Бебитович**

Иммунологическая реактивность организма при различных видах анестезии у больных синдромом диабетической стопы ..... 23

**Oltiev Usmon Bebitovich**

Immunological reactivity of the body during various types of anesthesia in patients with diabetic foot syndrome ..... 43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОЛТИЕВ УСМОН БЕБИТОВИЧ**

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТУРЛИ**  
**ХИЛЛАРДАГИ АНЕСТЕЗИЯДА ОРГАНИЗМНИНГ ИММУНОЛОГИК**  
**РЕАКТИВЛИГИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



**БУХОРО – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2583 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.


<b>Илмий раҳбарлар</b>	<b>Хамдамов Бахтиёр Зарифович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Сабиров Джурабай Марифбаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Камалов Зайнитдин Сайфитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Юсупов Анвар Собирович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Кубан давлат тиббиёт университети</b> (Россия Федерацияси)


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.04.2022 Тиб 93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «20» сентябр куни соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru))


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (012 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2022 йил «30» август куни тарқатилди.  
(2022 йил «30» август даги 15 рақамли реестр баённомаси).



  
**А.Ш. Иноятов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

  
**Д.Н. Ачилова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**Н.А. Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Замонавий диабетологиянинг энг мухим муаммоларидан бири коронароген асоратлардан кейин диабетик тоvon синдроми бўлиб қолмоқда. Диабетик тоvon синдроми даволашда эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу патологияда бажарилаётган жарроҳлик аралашувлари сони геометрик прогрессияда ўсиб бормоқда, бу эса хавфсиз ва адекват анестезия бажарилишини талаб қилади. «...Диабетик тоvon синдроми фонида организмдаги иммунологик бузилишлар, йўлдош касалликларнинг декомпенсациясига олиб келади, бу эса ўз навбатида юқори ўлим кўрсаткичларига сабаб бўлади»<sup>1</sup>. Бугунги кунда мутахассислардан ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бу диабетик тоvon синдроми билан касалланган беморларнинг ўлимини камайтиришдир. Бунга даволашнинг юқори технологияли жарроҳлик усуллари ва оптимал анестезия ўтказиш усулини танлаш орқали эришиш мумкин, қайсики операция вақтидаги ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтиради.

Жаҳон миқёсида ҳаётни таъминловчи аъзо ва тизимларда юзага келиши мумкин бўлган асоратларни башоратлаш учун диабетик тоvon синдроми бўлган беморларда ҳар хил турдаги анестезия таъсирини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан диабетик тоvon синдроми жарроҳлик усулида даволашда ўтказиладиган анестезия турли усуллари қиёсий асослаш амалга оширилмода. Ҳар хил турдаги анестезияларда иммун тизимнинг кўрсаткичлари, гемодинамика ва стресс гормонлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш, беморларни комплекс даволаш натижаларига таъсир қилишини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш жоизки, диабетик тоvon синдроми бўлган беморларда хирургик аралашувларни амалга ошириш учун « хавфсизлик ва адекватлик тамойиллари » га жавоб берадиган анестезия турини танлаш жиддий ва ҳаётий зарур муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чоралар орасида касалликларга эрта ташхис қўйиш, уларни асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу вазифалар диабетик тоvon синдромига эрта ташхис қўйиш ва анестезиянинг турли хилларини амалга оширишда ушбу

<sup>1</sup> Дедов И.И. Алгоритмы специализированной медицинской помощи больным сахарным диабетом. Клинические рекомендации. - Москва, 2021. - С. 222.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

касалликни жаррохлик йўли билан даволаш якунини прогноз қилишнинг иммунологик жиҳатларини аниқлаш, бу билан нафақат патологик жараённинг оғирлиги, балки анестезиянинг таъсири билан боғлиқ асоратлар ва ўлимлар сонини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диабетик товон синдроми (ДТС) жаррохлигида сезиларли ютуқларга эришилганлигига қарамадан, касалликнинг оғирлиги, иммунологик бузилишлар ва преморбид фон билан боғлиқ бўлган операциядан кейинги асоратларнинг частотаси юқори кўрсаткичларда қолмоқда (Бенсман В.М., 2015; Ахмедов Р.М., 2020; Бабаджанов Б.Д., 2021).

Маълумки, қандли диабет билан касалланган беморларда анестезияга қўйиладиган энг муҳим талаб анестезиянинг монандлигини таъминлашдир, чунки жаррохлик амалиёти ўтказилаётган соҳадан келиб чиқувчи афферент ноцицептив оғриқ импульсацияси эндокрин гомеостазнинг, иммун статуснинг бузилишларига, қонда инсулин ва қанд даражасининг ўзгаришларига олиб келади (Ахунов А.О., 2018; Тешаев О.Р., 2019; Ким Ён Дин, 2019).

Бугунги кунда мазкур патология юзасидан анестезиологларнинг захирасида анестезиянинг кўп турлари мавжуд бўлиб, жаррохликда умумий эндотрахеал анестезиядан кенг фойдаланилади, бу эса турли хил мураккаблик даражасидаги жаррохлик аралашувларида анестезиянинг адекватлигини таъминлаш имконини беради. Бироқ, бизнинг фикримизча ушбу анестезиялар орасида регионар анестезия усулларининг аҳамиятига асоссиз равишда паст баҳо берилади.

Юқорида келтирилганлар анестезиянинг турли усулларидан фойдаланишда якунларни прогноз қилиш усулини ишлаб чиқиш, шунингдек одатда ёндош соматик касаллик ҳамда чекланган компенсатор захиралари мавжуд, ДТС оғир кечаётган беморларда монанд интраоперация

гипотония, ўлим ҳолати бўлсада, ўтказувчи анестезияда жиддий ўзгаришлар кузатилмаган;

илк бор диабетик товон синдроми мавжуд беморларда операция вақтида умумий ва эпидурал анестезия қўлланганидан сўнг уларнинг қиёсий жиҳатдан иммун тизим кўрсаткичларига ишончли салбий таъсири кузатилиши аниқланган, бунда CD4+, CD8+, CD16+-хужайралар концентрацияси пасайган, ўтказувчи анестезия қўлланганида эса ушбу кўрсаткичларда ишончли ўзгаришлар қайд этилмаган;

илк бор диабетик товон синдроми кечувининг оғирлик даражаси, иммунологик, гемодинамик ва стресс гормон параметрлари ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган, операция вақтида беморларда умумий ва эпидурал анестезия қўлланганидан кейин VEGF, MCP-1 ва IL-18 концентрациялари ишонарли ошиши, ўтказувчи анестезия қўлланганидан сўнг улар даражаси дастлабки натижалар доирасида ўзгариши кўрсатилган;

ўтказувчи анестезиянинг иммун тизимининг барча бўғинларига ҳамда цитокинлар ўзгариш даражаси динамикасига ижобий таъсири исботланган ва илк бор организм иммунологик реактивлигини ҳисобга олиб, диабетик товон синдроми бўлган беморларда операция ўтказиш учун анестезия усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

клиник, гемодинамик, иммунологик ва стрессор гормонларга ўзаро муносабати самарали бўлган, диабетик товон синдроми оператив даволаш учун анестезиянинг оптимал усули сифатида ўтказувчи анестезия тавсия этилган;

диабетик товон синдроми мавжуд беморларни оператив даволаш учун ўтказувчи анестезия шаклидаги мақбул, организм ҳаётий муҳим аъзо ва тизимларини авайлайдиган, операциядан сўнгги асоратлар камайишига олиб келувчи анестезия усулини қўллаш тавсия этилган, унинг қўлланилиши регулятор бошқарув тизимларининг кам зўриқиши билан кечиши аниқланган, бу организм ҳимоя ресурслари сарфланишининг камайишига ҳамда ижобий мослашув стратегияси ривожланишига олиб келган;

VEGF, MCP-1 ва IL-18 цитокинлар аниқланиши диабетик товон синдроми даволаш учун анестезия истиқболли белгиловчи предикторлар сифатида фойдаланиш тавсия этилган;

амалиёт учун организмнинг иммун статусини инобатга олган ҳолда, диабетик товон синдроми бўлган беморларда ўтказиладиган оператив даволаш учун оптимал анестезия усулини танлаш алгоритми амалий соғлиқни сақлаш учун тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида назарий ёндашув ва усулларнинг тўғри қўлланиши, олиб борилган текширувларнинг аниқлиги, материалларнинг етарли бўлганлиги, тадқиқот усулларининг замонавийлиги, улар клиник, иммунологик, гемодинамик, гематологик, ускунавий, биокимёвий ва статистик маълумотларга асосланиб бир-бирини тўлдирishi, олинган маълумотларнинг хорижий ва ватандош тадқиқотчилар

олган маълумотлар билан таққосланиши, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланишига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диабетик товон синдроми мавжуд беморларда жарроҳлик йўли билан даволашда тиббий хавфсизликни таъминлаш ва анестезия билан боғлиқ асоратларни минималлаштириш учун иммунологик тадқиқотлардан фойдаланилган ҳамда қўлланаётган анестезия усулининг истикболи ва асоратлар истикболини белгилашда уни аҳамиятлилиги исботланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диабетик товон синдроми мавжуд беморларда жарроҳлик амалиётини қўллашда ўтказувчи анестезия усули ноцицепциянинг тўлиқ блокадасини, беморларнинг тез мослашуви билан, операциядан кейинги даврнинг силлиқ кечиши, организмнинг иммун тизими ҳимояланиши, умумий ва эпидурал анестезия билан боғлиқ асоратларни бир неча бор камайтиришни таъминлаш имконини бериши билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилиниши.** Диабетик товон синдроми мавжуд беморларда ҳар хил анестезия турларини қўллашда организмнинг иммунологик реактивлигини ўрганиш асосида:

анестезия усулини танлашда цитокинлар диагностик аҳамиятини аниқлаш имконини берувчи «Диабетик товон синдроми мавжуд беморларда анестезия усулини танлашда яллиғлантирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг даражасини аниқлашнинг диагностик аҳамияти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 март №8н-р/271-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома мавжуд беморларда самарали ва хавфсиз анестезия турини аниқлаш имконини берган, бу ҳаётий муҳим аъзо ва тизимлар томонидан асоратлар камайиши, анестезия билан боғлиқ летал яқунлар қисқаришига олиб келган.

диабетик товон синдроми даволашда анестезия яқунларини прогноз қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Самарқанд давлат тиббиёт университети биринчи сон клиникаси амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 мартдаги №8н-д/141-сон хулосаси). Тадбиқ қилинган натижалар анестезия яқунларининг прогноз қилиниши ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, аъзоларда дисфункциялар билан иммунологик фалаж ривожланиши билан боғлиқ беморлар ҳаётига хавф тугдирувчи асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда тақдим қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 5 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган



илмий нашрларида 8 та макола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Киришда** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объектив ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланиши истиқболли йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий янглиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Диабетик тоvon синдроми жарроҳлик йўли билан даволашда иммунологик бузилишлар фонида анестезиянинг хавфи муаммоларининг ҳозирги ҳолати**» адабиётлар шарҳига бағишланган, унда ДТС мавжуд беморлар, унинг шаклланиш омиллари, ривожланишининг қонунияти, мазкур патологиянинг клиник, гемодинамик, гематологик, биокимёвий, ускунавий ҳамда иммунологик жиҳатлари тўғрисида сўнги йилларда илмий манбаларда эълон қилинган маълумотлар акс этган. Мамлакатимиз ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг мазкур патологияни жарроҳлик йўли билан даволашда анестезия усуллари, анестезиянинг якуни ва анестезиянинг у ёки бошқа усуллари билан боғлиқ асоратлар тўғрисидаги илмий ишларининг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Диабетик тоvon синдроми мавжуд бўлган, анестезиянинг ҳар хил турлари остида жарроҳлик амалиётлари ўтказилган беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» тадқиқотнинг материали, қўйилган вазифанинг бажарилишини таъминловчи услубий ёндашув ва усулларга бағишланган.

Диссертация ишида 2010 дан 2021 йилгача бўлган даврда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли жарроҳлик бўлимида стационар даволанишда бўлган, диабетик тоvon синдромининг оғир шакллари аниқланган 157 нафар беморни комплекс текшириш ва қўлланган анестезия натижалари таҳлил этилган.

Тадқиқотда белгиланган вазифаларга мувофиқ, барча беморлар шартли 3 гуруҳга ажратилди: (I-назорат ва II-III асосий гуруҳлар). Беморлар орасида 92 нафари (58,59%) эркаклар, 65 нафари (41,41%) аёллар бўлган. Беморларнинг ўртача ёши  $64,5 \pm 12,5$  ни ташкил этган.

Диабетик анамнез 15 йилгача ва ундан ортиқ йил ичида қайта аниқланган оралиқда ўзгарган. Кузатувнинг аксарият ҳолатларида беморлар 2-турдаги (92,2%) қандли диабетдан азият чеккан. Бу ерда асосан қандли диабетнинг субкомпенсация ва декомпенсация босқичида ўрта ва оғир даражалари қайд этилган.

Ўрганилаётган барча гуруҳларда беморларда қуйидаги жарроҳлик амалиётлари олиб борилган: товоннинг орқа ва таг флегмонаси очилган, болдирда тарқалган йирингли флегмона очилган, товон ва болдирнинг гилотин атипик ампутацияси, бармоқлар ампутацияси, товон ампутацияси, болдирнинг юқори қисмдан ампутациялари.

Айтиб ўтиш жоизки, беморларнинг аксарияти бошқа стационарлардан кўчириб ўтказилган. Бу беморларнинг даволаниши кўп босқичли жарроҳлик амалиётларини бажариш ва мос равишда, такрорий анестезиологик қўлланмаларни кўзда тутган. Жарроҳлик амалиётлари зудлик билан, тезкор ва режали тартибда олиб борилган.

Қўлланган анестезия усулига боғлиқ равишда 157 нафар текширилган беморлар 3 гуруҳга тақсимланган.

I - назорат гуруҳини ДТС мавжуд 51 нафар бемор ташкил этди, уларда умумий анестезия олиб борилди, бунда трахеянинг интубацияси ва интубациясиз уйғунлашган анестезия бажарилган.

II - гуруҳни 52 нафар бемор ташкил қилиб, уларда эпидурал анестезия бажарилган.

III - гуруҳга 54 нафар бемор кирган, уларда анестезия сон ва қуймуч нервларининг ўзақли блокадаси (ўтказувчи анестезия) ёрдамида амалга оширилган.

Барча беморларда турли хиллардага анестезиядан олдин ва кейинги организмнинг иммунологик реактивлиги ўрганилган.

Оёқда йиринг-некротик шикастланишни баҳолашда Wagner F.W. (1981) таклиф қилган таснифланишдан фойдаланилган, у тўқималарнинг бузилиш чуқурлигига боғлиқ равишда диабетда товоннинг ярали шикастланишларини таснифлашда энг мос келувчи услуб ҳисобланади. Текширилувчиларнинг аксарият қисмини Wagner F.W. (1981) бўйича III-IV-V шикастланиш босқичи қузатилган беморлар ташкил этган.

Анестезиологик хавф ASA (Америка анестезиологлар жамияти) ўлчови бўйича аниқланган. Бунда аксарият беморлар III, IV, V синфларга мос бўлган.

2001 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ўрганилаётган барча уч таққослаш гуруҳда 157 нафар беморларда жами 312 жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Барча беморларида уч хил турдаги анестезия, яъни умумий анестезия бунда трахеянинг интубацияси ва интубациясиз уйғунлашган усули бажарилган. Шунингдек эпидурал ва ўтказувчи анестезия қўлланилган.

Анестезияни амалга оширишда анестезиология стандартлари, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази анестезиология ва реанимация бўлимида қабул қилинган баённомага риоя қилинган. Барча беморларда анестезия кечиши клиник баҳоланган, у қорачиқларнинг катталиги, ёруғликка реакциянинг сўниши, кўз қорачиғининг кўзгалувчанлиги, корнеал ва коңюктивал рефлекслар динамикасига асосланган. Бундан ташқари ҳушдан кетиш, нафас олишнинг ўзгариши, тери қопламаларида қуруқлик ва уларнинг ранги, мушаклар фаоллиги ва пулс характери баҳоланган.

Лаборатория диагностикаси қуйидагиларни ўз ичига олган: қон ва сийдикнинг умумий таҳлили; гликемия ва гликирланган гемоглобин

даражасини ўрганиш, иммунологик тадқиқот, биокимёвий тадқиқот, стресс гормонлари даражасининг тадқиқоти.

Бемор стационарга қабул қилинганда биринчи соатда амалга оширилган ускунавий тадқиқот усуллари: электрокардиография; кўкрак кафасининг рентгенографияси, ЭхоКГ, ултратовушли доплерография ва оёқларда артерияларнинг рангли доплер сканерланиши; паренхиматоз аъзоларнинг ултратовушли тадқиқоти, COVID-19 га экспресс таҳлил, пулсоксиметрия.

Анестезия натижаларини баҳолашда ВАШ (везуал-аналогик ўлчов) ўлчовининг -модификацияси ва стресс гормонлар даражасининг стандартларидан фойдаланилган.

Марказий ва периферик гемодинамикани ўрганиш учун ноинвазив усуллардан фойдаланилган, бунда анестезиядан олдин ва кейин гемодинамика кўрсаткичларининг дастлабки ҳолатини баҳолаш учун юракнинг зарб ҳажми, юракнинг дақиқали ҳажми (МОС), юрак индекси (ЮИ), зарб индекси (ЗИ) аниқланган.

Иммун тизим ҳолати CD-дифференцировка ва активация антигенларининг экрессияси бўйича баҳоланган. Имунокомпонент хужайраларнинг (ИКК) куйидаги маркёрлари аниқланган: CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD20+-, CD16+-, CD25+ ва CD95+-лимфоцитлар. CD рецептори экрессияси Гариб Ф.Ю. ва ҳаммуал. усули бўйича «Сорбент» МЧЖ да (РФ, 1995) ишлаб чиқарган LT серияли моноклонал антитаналар ёрдамида розетка ҳосил қилиш реакцияси билан олиб борилган. Қон зардобиди А, М ва G иммуноглобулинлар концентрациясини аниқлашда «Вектор Бест» АЖ (Новосибирск, РФ) тест тўпламидан фойдаланиб, йўриқномага кўра ИФА усули қўлланган. Комплементнинг C3 компоненти концентрацияси қон зардобиди йўриқномага мувофиқ ИФА усули билан аниқланган ва «Цитокин» (СПб, РФ) тест тўпламидан фойдаланилган. С-реактив оқсил даражаси қон зардобиди йўриқномага мувофиқ ИФА усулидан фойдаланиб аниқланган ва «Вектор Бест» АЖ (Новосибирск, РФ) тест тўпламидан фойдаланилган. Интерлейкинлар қон зардобиди қаттиқ фазали ИФА усули билан аниқланган.

Барча тадқиқотлар Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтида ўтказилган.

Тадқиқот натижалари вариацион статистиканинг умумий қабул қилинган усуллари ёрдамида қайта ишланган. Тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурлар пакетидан фойдаланилган. Фарқлар ишончилиги Студент мезони ёрдамида аниқланган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Анестезиянинг ҳар хил турларида диабетик тоғон синдроми мавжуд беморларда иммун тизимнинг ҳолати ва динамик баҳоси**» ДТС мавжуд беморларнинг иммун ҳолати соғлом шахслар билан таққослаб ўрганиш натижаларига бағишланган. Ушбу бобнинг биринчи бўлимида ДТС мавжуд 157 нафар беморлар ҳамда соғлом шахсларда туғма иммунитет кўрсаткичларини

Ўрганиш натижалар берилган. ДТС мавжуд беморларда CD16+хужайра даражасини ўрганиш натижалари, унинг назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан ишончли пастлигини ва ўртача  $8,7 \pm 0,6\%$  ( $P < 0,001$ ) ни ташкил қилганлигини кўрсатди, бу назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 1,5 марта паст бўлган. ДТС мавжуд беморлар орасида фагоцитлар функционал етишмовчилиги (НФФ 50% дан кам) кенг тарқалганлиги аниқланган. Биз текширган беморларда НФФ фоизи назорат қийматларидан 1,17 марта кам, бу ўртача  $47,6 \pm 1,2\%$  ( $P < 0,05$ ) ни ташкил этган. НФФ  $43,7 \pm 5,3\%$  текширилган беморларда қайд этилган. Фагоцитар реакция иммун жавобни юзага келтиради; фаол фагоцитар химоянинг камайиши, табиийки мазкур тоифа беморларда иммун жавобнинг паст даражасини аниқлатган.

ДТС мавжуд беморларда С3 компонент комплементининг даражасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, у назорат гуруҳидагидан кўра 1,5 марта юқори бўлиб, ўртача  $56,8 \pm 1,3$  нг/мл ( $P < 0,01$ ) ни ташкил этган. Шундай қилиб, ДТС да комплемент тизимининг гиперактивацияси содир бўлган, у бир томондан мазкур патологияда кузатиладиган бузилишлар комплекси билан боғлиқ бўлган, бошқа томондан эса комплемент тизимида фаоллашган махсулотлар тўпланиши касалликнинг янада жадаллашувига олиб келувчи маркер бўлиб хизмат қилган.

Бир қатор муаллифлар маълумотларига кўра, СРО концентрацияси ҳам тўқималар некрозида ортади. Тадқиқотларда унинг даражаси 6 марта юқори бўлиб, ўртача  $34,5 \pm 1,1$  нг/мл ни ташкил этган. СРО нинг жадал ортиши яллиғланиш жараёнининг фаоллиги ҳамда оёқларда тўқималарнинг шикастланиш даражаси билан боғлиқ эканлиги исботланган.

III-бобнинг иккинчи бўлимида ДТС мавжуд беморлар ҳамда соғлом шахсларда мослашувчи (адаптив) иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослаганда Т-лимфоцитлар (CD3+) даражаси ва унинг субпопуляциялари таркибининг ишончли камайиши кузатилган ( $P < 0,05$ ). Шундан келиб чиқиб, иммунитетнинг Т-тизимида етишмовчилик кузатилди, у ДТС мавжуд беморларда назорат гуруҳини ташкил қилган шахсларга қараганда ишончли юқори бўлган, иммунорегулятор индексида аке этган -  $1,75 \pm 0,01$ , ( $P < 0,05$ ).

ДТС да Т-тизимининг функционал фаоллиги кескин пасайди, бу IL-18 га рецепторларнинг миқдоран ортишида намоён бўлган (назорат гуруҳида  $21,3 \pm 1,0\%$  га қарши  $17,6 \pm 0,7\%$ ,  $P < 0,05$ ). ДТС мавжуд беморларда гуморал бўгин ўрганилганида периферик конда циркуляцияланувчи CD20+ хужайралар миқдори ортиши кўринишида бузилишлар аниқланган – назорат гуруҳида  $24,5 \pm 1,1\%$  га қарши  $30,3 \pm 1,0\%$  ( $P < 0,05$ ). ДТС билан оғриган беморларнинг кон зардобиди IgG концентрацияси ўртача  $15,3 \pm 0,1$  г/л га тенг бўлган, назорат гуруҳида эса  $8,3 \pm 0,06$  г/л ( $P < 0,01$ ). ДТС мавжуд беморларда иммуноглобулин А даражаси назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан 1,62 марта юқори ( $P < 0,01$ ). IgM концентрациясини ўрганиш натижалари назорат гуруҳидаги маълумотлар билан ишончли фарқ йўқлигини кўрсатган – назорат гуруҳида  $1,2 \pm 0,02$  га қарши  $1,4 \pm 0,03$  мг/мл.

III-бобнинг учинчи бўлимида УА олиб бориш фониди турли хил жаррохлик амалиётлари ўтказилган II-гуруҳнинг 51 нафар беморларини кўрсаткичлари ўрганилган.

Беморларнинг jismonий ҳолати ASA бўйича аниқланган ва аксарият беморлар III-IV ASA га мос келди. Анестезия усули стандарт бўйича қабул қилинган баённомага мувофиқ ўтказилди. Пропофолнинг ўртача индукция дозаси  $1,05 \pm 0,14$  мг/кг ни ташкил этган. Анестезия пропофолнинг 25-50 мг дозада улушли юборилиши билан қўллаб турилган, бунда анестетикнинг сарфи  $1,5 \pm 0,25$  мг/кг/соатни ташкил этган. 30-дақиқада фентанилни 0,1 мг дозада қўшимча юбориш 2 нафар беморда талаб этилган. Медозаламнинг 15 мг дозада қўшимча юборилиши анестезиянинг 15-20 дақиқасида 3 нафар беморда амалга оширилган.

ДТС мавжуд беморлар қабул қилинган ва қонда клиник-биокимевий кўрсаткичларнинг дастлабки қийматлари аниқланган ва уларнинг аксарият қисмида турли даражали анемия қайд этилган, лейкоцитлар даражаси ўртача  $12,5 \pm 3,5 \times 10^9$  /л, ЛИИ  $3,4 \pm 0,7$  бирликни ташкил қилган, бунда СОЭ ўртача  $27,5 \pm 11,5$  мм/соатга тенг бўлган.

Қонда "стресс" гормонлари даражаси ўзгариши бўйича олиб борган тадқиқотларни натижалари дастлабки маълумотлар билан таққосланган. Ўрганилаётган гормонларни танлаш вақтида жаррохлик стрессиди мослашиш синдромининг муҳим ташкилотчиларидан бири гипоталамо-гипофизар-буйрак усти беzi тизими ҳисобланишидан келиб чиқилган, беморларда кортизолнинг дастлабки даражаси  $625,1 \pm 38,5$  дан  $634,1 \pm 45,2$  нмоль/л гача ўзгарган, бу қонда ушбу гормон миқдорининг ортишини аниқлаган. Пролактиннинг ўртача кўрсаткичлари сезилмас даражада ошганлиги ва  $530,4 \pm 51,6$  дан  $553,0 \pm 57,3$  Мме/мл, адреналиннинг дастлабки даражаси ҳам юқори бўлиб,  $150,5 \pm 29,5$  дан  $155,7 \pm 32,5$  нг/мл гача ўзгарган. ДТС бор беморларда таянч-ҳаракат аппарати, хусусан оёқларни йўқотиш эҳтимоли ва бўлажак операция билан боғлиқ кўрқув мавжудлиги билан ифодаланган стресс мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи операциядан кейинги даврда, қўлланган анестезия турига боғлиқ равишда иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш бўлган.

Умумий анестезия ўтказилган киллер хужайралар даражаси 1,5 баробар пасайган ( $P < 0,01$ ). УА таъсири остида операция ўтказилган, ДТС мавжуд беморларда ФАН даражасининг дастлабки маълумотларга нисбатан ишончли камайиши аниқланган -  $43,8 \pm 1,3\%$  ( $P < 0,05$ ). Операция тадбирлари натижасида ДТС мавжуд беморларда СЗС даражасининг динамикасини ўрганиш натижалари умумий анестезиянинг қўлланиши дастлабки маълумотларга нисбатан СЗ комплемент даражасининг ишончли ошишига олиб келганлигини кўрсатган -  $56,8 \pm 1,3$  нг/мл га қарши  $64,5 \pm 1,7$  нг/мл ( $P < 0,05$ ). Умумий анестезия қўллаб, оператив чоралар кўрилган ДТС мавжуд беморларда СРО даражаси ишончли юқори бўлиб,  $34,5 \pm 2,1$  нг/мл га қарши  $49,3 \pm 5$  нг/мл га етган ( $P < 0,001$ ).

ДТС мавжуд беморларда операция вақтида қўлланган умумий анестезия (УА) ҳам хужайра, ҳам гуморал иммунитетга таъсир қилган (1-жадвал).

**Операциядан сўнг ДТС мавжуд беморларда умумий анестезияга  
боғлиқ равишда хужайра иммунитетни кўрсаткичлари динамикаси**

Кўрсаткичлар	Анестезиядан олдин, n=51	Операциядан кейинги давр (УА)
CD3+, %	48,3 ± 1,1	43,2 ± 1,3*
CD4+, %	30,6 ± 1,1	26,3 ± 1,0*
CD8+, %	17,5 ± 0,8	15,2 ± 0,6*
CD4 /CD8	1,75 ± 0,01	1,79 ± 0,02*
CD25+, %	17,6 ± 0,7	25,5 ± 0,9*
CD95+, %	29,4 ± 1,0	34,5 ± 1,2*

Эслатма: \* - кийматлар гуруҳда операциядан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ишончли ( $P < 0,05-0,001$ ).

Анестезия таъсири остида CD3+-хужайралар сонининг ДТС мавжуд беморларда УА қўлланганида ишончли камайиши ( $P < 0,05$ ) кузатилган. УА қўлланиши эрта фаоллашган маркёрли хужайралар сонини камайтирувчи таъсир қилишини (CD25+) кўрсатган, бунда камайиш ишончли, мос равишда бўлган ( $P < 0,05$ ).

ДТС мавжуд беморларда УА қўлланганида CD20+-хужайраларнинг даражаси ишончли ошган ( $P < 0,05$ ). Иммунитетда В-бўғим гуморал омиллари (қонда IgA, IgG, IgM) операция жароҳати ҳамда анестезия таъсирига энг бардошли бўлган.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи УА қўллаб ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг ДТС мавжуд беморларда VEGF-A, MCP-1 ва IL-18 цитокинлар даражасини ўрганиш бўлган. Бунда, VEGF-A даражаси қўлланаётган анестезияга турига боғлиқ равишда ўзгарган. УА қўлланган беморларда VEGFA даражаси дастлабки маълумотларга қараганда 1,7 барбар ортган ( $P < 0,01$ ).

УА MCP-1 даражасининг ишончли ортишига олиб келганлигини кўрсатган - 163,9±6,4 пг/мл. ДТС мавжуд беморларда зардоб IL -18 даражаси УА қўллаб ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг ишончли ўзгармаган, фақат ортиш тенденцияси қайд этилган. УА қўлланганида IL-18 даражаси ўртача 81,4 ± 5,1 пг/мл га тенг бўлган.

ЭА да иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш, CD16+-хужайра даражаси кўрсаткичи ишончли камайиб, ўртача 44,3±1,2% ( $P < 0,05$ ) ни ташкил қилганлигини кўрсатган. ДТС мавжуд беморларда СЗС даражаси ишончли паст бўлган - 62,9±1,9 нг/мл, СРО даражаси эса ишончли юкори бўлиб, 46,6±1,4 нг/мл га етган.

Операция вақтида ЭА қўлланган беморларда туғма иммунитетни ўрганилган кўрсаткичларининг даражаси ҳам ўзгаришларга учраган, лекин улар УА га қараганда кам ўзгариши аҳамиятли бўлган.

Анестезиянинг таъсири остида CD3+-хужайралар сонининг камайиши кузатилган, бунда ЭА қўлланганида ДТС мавжуд беморларда уларнинг ишончли камайиши аниқланган ( $P < 0,05$ ). Хелпер хужайралар сони шунингдек УА ва ЭА қўлланганида ДТС мавжуд беморларда ишончли кам

бўлган. ЭА қўлланиши супрессор хужайралар даражасининг камайишига шароит яратган. Жарроҳлик амалиёти УА ва ЭА қўллаб ўтказилган ДТС мавжуд беморларда ИРИ – операциядан олдин  $1,75 \pm 0,01$  га қарши, мос равишда  $1,79 \pm 0,02$  ва  $1,77 \pm 0,01$  доирада бўлган. CD25+ ва CD95+ фенотипли лимфоцитлар ЭА қўлланиши эрта фаоллашув маркёрига эга хужайралар сонига (CD25+) камайтирувчи таъсир қилган, бунда камайиш мос равишда ишончли бўлган.

Гуморал иммунитет маълумотларининг таҳлили, В-лимфоцитлар сони шунингдек жарроҳлик чоралари ва эпидурал анестезия қўлланишига жавоб қайтарганлигини кўрсатди. В-бўгим иммунитетнинг гуморал омиллари (қонда IgA, IgG, IgM) операция жароҳати ва анестезия таъсирига бардошли бўлди. Бунда фақат ЭА да иммуноглобулин синфлари даражасида ўзгаришларлар аниқланган.

ЭА қўлланган, ДТС мавжуд беморларда VEGFA даражаси дастлабки маълумотлар билан таққослаганда 1,7 марта ўсиб, ўртача  $201,7 \pm 7,6$  пг/мл ни ташкил қилган, MCP-1 даражаси ишончли ўсиб, ўртача  $158,7 \pm 5,8$  пг/мл ( $P < 0,01$ ) га тенг бўлган. ЭА эпидурал анестезия қўллаб ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг ДТС мавжуд беморларда зардоб IL-18 даражасида ўсиш тенденцияси кузатилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи ўтказувчи анестезияни қўллашда (ЎА) клиник-гемодинамик, иммунологик ва стресс гормонлари кўрсаткичларини ўрганиш бўлган. Гемостаз кўрсаткичларини текшириш натижаларининг таҳлили, оддинги гуруҳ беморларидаги каби унинг гиперкоагуляция томонга анча силжишини кўрсатган. III-гуруҳ беморларида гликемия даражасининг таҳлили, у меъёрий кўрсаткичлардан ишончли юқори бўлганлигини кўрсатган. Динамикада ўтказувчи анестезия гликемия кўрсаткичлари юқори бўлган бўлса, унда анестезиянинг бошида улар деярли меъёрий қийматларга етиб, ўртача  $7,5 \pm 2,0$  ммоль/л ни ташкил этган, операциянинг жароҳатли босқичида гликемия даражаси анестезиянинг бошида эришилган даражаларда сақланган, яъни меъёрий қийматлар доирасида сақланиб, ўртача  $7,5 \pm 2,1$  ммоль/л ни ташкил қилган, анестезиянинг якуни ҳам кўрсаткичларнинг нисбатан нормогликемияга мос сақланиши билан кечган.

III-гуруҳ беморларида ( $n=54$ ) қабул қилинган вақтда тизимли ва марказий гемодинамика (МГ) кўрсаткичларини ўрганиш репрезентатив ва олдинги гуруҳларда ҳам улар стационарга қабул қилинганида аксарият беморларнинг ҳолати оғирлигидан далолат берувчи ўзгаришлар аниқланган.

Беморлар операциядан олдин тайёрланганида ва МВБ кўрсаткичлари максимал меъёрлашганида, ЎА давомида симпатик блокада ривожланиши билан МВБ камайди, лекин интраоперация инфузион терапия фонида дастлабки қийматлар билан таққослаганда ишончли ортди, ЮҚЧ  $10,5 \pm 3,5\%$  га камайди. МҚХ кўрсаткичларининг камайиши вазодилатация билан боғлиқ бўлган, буни юракнинг юкланишини камайиши билан тавсифлаш мумкин. Анестетикнинг асосий миқдори юборилганидан кейин 15 дақиқа ўтиб беморларда юракнинг қон ҳайдаши 11% га камайди, бир вақтнинг ўзиде юрак индекси 12% га пасайган. Қолган босқичларда уларнинг дастлабки қийматларга нисбатан камайиш тенденцияси сақланган.

Стресс гормонлари кўрсаткичларининг солиштирма характеристикаси умумий, эпидурал анестезия ўтказилган беморлар гуруҳи билан катта фарк йўқлигини кўрсатган, бу кўрсаткичларининг операцияни барча босқичларида меъёрий қийматларгача тушишида ифодаланган.

Транскутан оксиметрия кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили, ўрганилаётган гуруҳда анестезиягача бўлган кўрсаткичлар олдинги гуруҳ беморларидан олинган кўрсаткичлар билан ўхшаш эканлиги аниқланган, лекин ЭА ўтказилган беморларга қараганда, ЎА да тўқималарнинг кислород билан тўйинишида ижобий динамика қайд этилган.

Кейин ЎА ўтказишда, унинг иммун тизим кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш учун туғма иммунитет кўрсаткичлари ўрганилган. Ҳар хил анестезия турларининг қўлланиши ўрганилган кўрсаткичларда турли хил ақс этган. Анестезия учун ЎА дан фойдаланилганда, киллер хужайралар даражаси дастлабки маълумотларга қараганда ишончли ( $P < 0,05$ ) паст бўлган.

ЎА анестезия қўлланган, ДТС мавжуд беморларда НФФ дастлабки маълумотларга қараганда ишончли фарк қилмаган. Айтиб ўтиш жоизки, СЗС даражаси ЎА анестезия қўлланган беморларда ишончли паст бўлган,  $59,6 \pm 1,8$  нг/мл ( $P < 0,05$ ). ЎА қўлланганида беморларда СРО даражаси  $39,7 \pm 1,2$  нг/мл гача кўтарилган ( $P < 0,01$ ).

ЎА қўлланганида хелпер хужайралар сони – дастлабки маълумотлар даражасида бўлган. Супрессор фаоллиқни ўрганиш натижаларининг таҳлили, ДТС мавжуд беморларда ЎА дан кейин супрессор хужайралар сони меъёр доирасида бўлганлигини кўрсатган.

Субпопуляция хужайраларининг бундай ҳолати иммунорегуляция индексининг даражасига ўз таъсирини ўтказган. Жарроҳлик амалиёти ЎА қўллаб олиб борилган ДТС мавжуд беморларда иммунорегуляция индекси паст бўлган -  $1,64 \pm 0,02$  ( $P < 0,05$ ).

CD25+ ва CD95+ фенотипли лимфоцитлар даражасининг таҳлили, ЎА қўлланганида ушбу хужайралар сонини камайиши кузатилишини кўрсатган -  $16,9 \pm 0,6\%$  гача.

Иммунитетнинг В-бўғини гуморал омиллари (конда IgA, IgG, IgM) операция жароҳати ва анестезия таъсирига бардошли бўлган.

Беморларда ЎА анестезия фонида VEGFA даражаси орттиш тенденциясига эга бўлиб, ўртача  $120,6 \pm 5,8$  пг/мл ни ташкил қилганлигини кўрсатган. Беморларда ЎА қўлланганида MCP-1 даражасини ўрганиш бўйича маълумотлар таҳлили, у деярли ўзгармаганлигини кўрсатган-  $127,8 \pm 4,5$  пг/мл, IL-18 даражаси ишончли ўзгармаган, фақат ўсиш тенденцияси қайд этилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Анестезия турига кўра диабетик тоvon синдроми билан касалланган беморларнинг иммун тизими кўрсаткичлари ва клиник-лаборатор ҳолат ўртасидаги боғлиқликнинг қиёсий хусусиятлари» анестезиянинг ҳар хил турларида ДТС мавжуд беморларда иммунологик, клиник-биокимёвий, гемодинамик ва стресс гормонлари кўрсаткичларини ўзгариш динамикасининг қиёсий характеристикасини натижалари берилган. Анестезиянинг у ёки бошқа турини иммун тизим кўрсаткичларига энг агрессив таъсирини аниқлаш учун,



қўлланаётган анестезия турига боғлиқ равишда операциядан кейинги даврда туғма иммунитет кўрсаткичларини ўрганишнинг қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

**Текширилган беморларда туғма иммунитет кўрсаткичларининг динамикаси**

Иммунологик кўрсаткичлар	Дастлабки маълумотлар, n=157	УА, n=51	ЭА, n=52	ЎА, n=54
CD16+, %	8,7 ± 0,6	5,9 ± 0,4*	6,3 ± 0,5*	7,4 ± 0,5°
ФАН, %	47,6 ± 1,2	43,8 ± 1,3*	44,3 ± 1,1*	46,4 ± 1,3°
СЗС, нг/мл	56,8 ± 1,3	64,5 ± 1,4*	62,9 ± 1,4*	59,6 ± 1,5°
СРБ, нг/мл	34,5 ± 1,1	49,3 ± 1,5*	46,6 ± 1,4*	38,7 ± 1,2 ^

Эслатма: \* кийматлар дастлабки маълумотларга нисбатан ишончли. ° кийматлар УА га нисбатан ишончли. ^ кийматлар ЭА га нисбатан ишончли (P<0,05-0,001).

Олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили, умумий анестезия қўлланида дастлабки маълумотлар билан таққослаганда янада чуқур бузилишлар кузатилишини кўрсатган. Анестезиянинг қўлланиши эса туғма иммунитет кўрсаткичларининг янада кўп нотурғунлигини келтириб чиқарган. ДТС мавжуд беморларда УА дан фойдаланиб, ўтказилган оператив чоралар вақтида киллер хужайраларнинг сони, НФФ камайиши кузатилган, лекин шу билан бирга СЗС ва СРО даражасининг ортиши қайд этилган. Операция вақтида ЭА қўлланган беморларда туғма иммунитетнинг ўрганилган кўрсаткичларининг даражаси ҳам ўзгаришларга учраган, лекин улар УА га қараганда кам аҳамиятли бўлган.

ЎА турдаги анестезия қўлланган беморларда туғма иммунитет кўрсаткичларида ўзгаришлар тенденцияси қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, туғма иммунитетнинг кўрсаткичларига таъсири жиҳатидан энг хавфсиз, аёвчи анестезия (ЎА) ўтказувчи анестезия ҳисобланади.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичи ДТС мавжуд беморларда қўлланган анестезия турига боғлиқ равишда жарроҳлик амалиётидан кейин хужайра иммунитетни кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш бўлган (3-жадвал).

3-жадвал

**ДТС мавжуд беморларда қўлланган анестезия турига боғлиқ равишда операциядан кейин хужайра иммунитетни кўрсаткичларида ўзгаришлар динамикасининг қиёсий тавсифи**

Кўрсаткичлар	Операциядан олдин, n=157	УА, n=51	ЭА, n=52	ЎА, n=54
CD3+, %	48,3 ± 1,1	43,2 ± 1,3*	44,4 ± 1,2*	47,3 ± 1,5*
CD4+, %	30,6 ± 1,1	26,3 ± 1,0*	27,5 ± 1,0*	29,4 ± 1,12*
CD8+, %	17,5 ± 0,8	15,2 ± 0,6*	16,1 ± 0,9*	17,9 ± 0,7*
CD4/CD8	1,75 ± 0,01	1,79 ± 0,02*	1,77 ± 0,01*	1,64 ± 0,02*
CD25+, %	17,6 ± 0,7	25,5 ± 0,9*	24,2 ± 0,8*	16,9 ± 0,7*
CD95+, %	29,4 ± 1,0	34,5 ± 1,2*	33,1 ± 1,1*	28,4 ± 1,0*

Эслатма: \* кийматлар операциядан олдин гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли (P<0,05-0,001).

